

Жорий ТАЪМИРЛАШ БУЙИЧА
ШАРТНОМА № 2

23 май 2022 йил.

Куватумани.

номидан Низомасосида иш олиб боровчи рахбар Шарҳамат Мабалсифат (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади)
номидан Низомасосида иш олиб боровчи рахбар И. Солиев биртомондан ва ЖФМЖ
номидан Низомасосида иш олиб боровчи рахбар И. Мурзаев «Буюртмачи» деб юритилади
номидан Низомасосида иш олиб боровчи рахбар И. Мурзаев иккинчи томондан ушбу шартнома нику
идаги мазмунда тузилди:

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

1.1. «Бажарувчи» фактурада кўрсатилган буюртмага асосан куйида кўрсатилган (спецификация ёки хисоб-«Буюртмачи» хизматларни бажариб бериш,

эса бажарилган хизматларни қабул қилиб олиш ва хисоб-китоб қилиш мажбуриятларини олади:-
Лот № 84990 - Жанубий Парзона Чагистрал Канали Ҳанза
Рехат ПКТ-360+00, Бўдоҳур ПКТ-786+80, ПКТ-950+00 2/4 жорий таъмирлаш.

2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ.

2.1. «Бажарувчи» хизматларни «Буюртмачи» буюртмасини олгандан сўнг _____ кун муддат ичида, буюртмада белгиланган ҳажмда амалга оширади.

2.2. «Буюртмачи» бажарилган хизматларни қабул қилган вақт хизмат бажарилган вақти бўлиб хисобланади.

2.3. Бажарилган хизматлар «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан сўнг, хизматларга эгаллик ҳуқуқи «Буюртмачи»га ўтади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Буюртмачи» бажарилган хизматларни белгиланган вақтга қадар 10 кун муддат ичида «Бажарувчи»га хизмат учун буюртмани куйидагиларни кўрсатган ҳолда тақдим этади:

- бажарилиши керак бўлган хизматлар миқдори;
- хизматлар сифати;
- хизматлар ассортименти.

3.2. Бажарилиши керак бўлган хизматлар ассортименти, миқдори ҳамда таъминот муддатларини «Буюртмачи» мустақил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этиш комиссияси баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан қўйилган шартлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

3.3. «Бажарувчи» томонидан хизматлар бажарилмай қолганда, бажарилмаган миқдордаги хизматни, кун муддат ичида ёки «Буюртмачи» билан келишилган ҳолда, шартнома амал қилиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган маҳсулотларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.4. «Бажарувчи» томонидан бажариш муддатлари ўтказиб юборилган хизматларни «Буюртмачи» уни огоҳлантирган ҳолда қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

3.5. «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизматлар сифати талабга жавоб бермаслик ҳолатларида «Буюртмачи» куйидаги талабларни қўйиш ҳуқуқига эга:

- харид нархларини (бажарилган сифатсиз хизматлар қиймати билан сифатли хизматлар қиймати ўртасидаги фарқига) камайтириш;
- сифатсиз хизматларни «Бажарувчи» ҳисобидан сифатли хизматларга кун муддатда бажариб бериш.

3.6. Агар «Бажарувчи» ушбу шартномада белгиланган миқдордаги хизматни бажармаса ёки «Буюртмачи»нинг сифатсиз хизматларни алмаштириб бериш ҳақидаги талабларини белгиланган муддатларда бажармаса «Буюртмачи» шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4. ХИЗМАТЛАР БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Шартноманинг умумий қиймати 131150000 сум ташкил этади.

4.2. Хизматлар учун тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.3. Буюртмачи шартнома умумий суммасининг 30% ни аванс тарикасида шартнома тўлик қучга қирган кундан бошлаб 20 банк иш куни мобайнида, қолган 70% яъни белгиланган ишлар ва хизматлар тўлик бажарилгандан сўнг, бажарилган иш ва хизматлар тўғрисида бажарилган ишни қабул қилиш далолатномаси ёки хисоб фактура қабул қилган кундан бошлаб, 20 банк иш куни давомида бажарувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

4.4. Агар давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган ёки бажарилган иш ва хизматлар учун белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Бажарувчи» зиммасидан қопланади.

4.5. Шартнома суммасидан ортиқ иш ва хизматлар бажарилганда («Буюртмачи» огоҳсиз бажарилганда) хисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан амалга оширилмайди.

5. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ.

5.1. «Бажарувчи» бажариладиган хизматларнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

5.2. «Буюртмачи» сифатсиз ва яроқсиз хизматларни қабул қилмайди.

6. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ.

6.1. Бажарилган хизматни кабул килишда «Буюртмачи» уни миқдори, сифати, ассортименти ва руйхатини «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизмат амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома ҳамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2. Хизматларни кабул килиш якуни буйича «Буюртмачи» кабул килиш далолатномаси тузади. «Буюртмачи» томонидан Далолатноманинг имзоланиши кабул килинаётган хизматнинг текширилганлигини билдиради.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. «Бажарувчи» хизматларни бажаришда Шартноманинг 2.1-булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни хизматларни бажариш муддатларини кечиктириб юборса, тулик бажармаса, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

7.2. «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизматларга оид тулов ва хизмат амалга оширилганлиги тугрисидаги бошка хужжатлар уз вақтида, яъни хизмат билан бирга «Буюртмачи»га такдим этилмаса, хар бир ҳолат учун бажарилаётган хизматлар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тулайди.

7.3. «Бажарувчи» томонидан хизматлар уз вақтида ва белгиланган талаблар асосида бажарилганда «Буюртмачи» уларни асосиз равишда кабул қилмаса, кабул қилинмаган хизматнинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

7.4. Бажарилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан уз вақтида туловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу Шартноманинг 4.4-булими бузилганда, тулов кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тулайди, лекин туланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонларга боғлиқ булмаган ҳолатлар «Ёнгин, сув тошқини, шу каби бошка ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, узгартириш ва бекор қилиш вақтида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тугрисидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик судида қуриб чиқилади.

10. БОШКА ШАРТЛАР.

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб « 31 » декабр 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартномага узгартиришлар ва қушимчалар тарафларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади ва имзоланади.

10.3. Шартнома Газначилик булинмаси томонидан руйхатдан утганидан сунг тулик қучга эга деб ҳисобланади.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Марҳамат Металсифат МЧЖ
(етказиб берувчи номи)

МФМЖ Бошқармаси
(бюджет ташкилотининг номи)

Манзил: Қўва т. Марҳамат тўлиқ

Манзил Фар.в. Қўва т. Менигчинор 4
ш.с.р.ч. 10001086030218704240217

Тел/факс
х/р 20208000303029552001

Тел/факс

ШЖ Хамкор Банк
МФО 0007 ИНН 302526370

ИНН 204697858
ОКОНХ 22800

ОКОНХ 14343

Молия вазирлиги Газначилиги

Марказий банк Тошкент ш
ЖИКМ МФО 00014

х/р 23402000300100001010

Раҳбар: А.В. Солиев И

Раҳбар: Мирзаев И.



Ф.И.О.


ХУКУКИЙ ХУЛОСА

1. Мен ушбу шартнома лойихасида тарафларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги қонуни ва бошқа қонунлар ҳамда меърий ҳужжатлар билан тартибга солиinganлигини;

2. Шартнома лойихасида унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари шартнома суммаси, муддатлар, мулкый жавобгарлик, низоларни ҳал қилиш тартиби ва бошқа қондалар шунингдек тарафларни давлат руйхатидан утганлиги, мансабдор шахсларни шартномани имзолаш ҳукукига эга эканлиги ҳамда банк реквизитлари тулик ва тугри булиб, улар тулов қобилиятига эга эканлиги шартнома лойихасини қонунчилик ҳужжатларига мос қилишини аниқладим.

Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги қонуннинг 21-моддасига асосланиб хулоса қиламан.

Ушбу шартнома лойихаси қонунлар талабларига мос қелади ва уни имзолаш мумкин.

 Р. Саидовичев

хукуқшуноси: